

## ФИНЛАНДИЯДА ТАЪЛИМНИНГ МУВАФФАҚИЯТИНИ АНИҚЛАВЧИ ОМИЛЛАР

Азимов Юсуфжон

ЎзМУ Жиззах филиали Қозон (Волгабўйи) федерал университети

Жиззах филиали катта ўқитувчиси

[YGAzimov@kpfu.ru](mailto:YGAzimov@kpfu.ru)

### АННОТАЦИЯ

Маколада Финландия таълим бериш технологиясининг креатив ўқитиш жараёнидаги турли жиҳатлари кўриб чиқилган.

**Калит сўзлар:** Финландия таълим бериш технологияси, таълим сифати, компетентлик, компетенциявий ёндошув, креатив, таълим, таълим жараёни, ўқувчилар.

### ABSTRACT

The article examines various aspects of the Finnish teaching technology in the process of creative teaching.

**Key words:** Finnish educational technology, quality of education, competence, competence approach, creative, education, educational process, students.

Ҳозирги даврда эркин, мустақил, креатив фикрловчи шахсни шакллантириш муаммоси таълим муассасаларида, ўқув – тарбиявий ишларни дунё тан олган хорижий давлатларнинг замонавий илғор педагогик технологияларига асосланиб ташкил этишни талаб этмоқда. Бундай жараён осон кечмайди, чунки, хорижий тажрибани маҳаллий шарт-шароитларга мослаб, ўқитиш тизимини қатъиян илмий асосланган педагогик тизимга айлантириш зарур.

Финландия таълим бериш тизими обрўли жаҳон рейтингида етакчи ўринларнинг бирини эгаллайди. Умумтаълим мактаблари ўқувчилари юқори ўқувчанлик даражасини ва табиий-илмий билимдонликни, математика ва физикадан юқори билимларни доимий намоён этиб келишади. Финландия олий таълими эса бутун дунёда машҳур ҳисобланади ва турли мамлакатлар талабаларини ўзига мафтун этиб келмоқда [1].

Финландия таълим бериш тизимида барча фанларнинг тенглиги ва муҳим эканлигига урғу берилади. Барча фанлар тенг ва ўқувчи шахсининг ҳар

томонлама гармоник ривожланишига йўналтирилган бўлиб, ўқувчи етарли даражада математик билимни, тилни, ахлоқий фазилатларни ҳамда жисмоний ривожланишга эришиши зарур. Финландия таълим бериш тизимининг самарадорлик омиллари қуйидаги расмда келтирилган (1-расм).

Бизнинг фикримизча, таълимни ташкил этишнинг яна бир муҳим принципларидан бири мактабгача таълимдан бошлаб то университетгача, таълимнинг барча даражаларининг ўзаро алоқадорлиги ҳисобланади. Ўқувчилар умумий ўрта таълим олишганларидан кейин олий таълим, касбий-техник таълим ёки қўшимча таълим орасида танлаш имконияти мавжуд. Йилдан-йилга, олий таълим олувчи битирувчиларнинг фоиз улуши ортиб бормоқда. Европа иттифоқи мамлакатлари билан таққосланганда Финландия таълим босқичларини муваффақиятли тугатишнинг юқори кўрсаткичлари билан фарқ қилади.



**3-расм. Финландияда таълимнинг муваффақиятини аниқлавчи омиллар [3].**

Финландия таълим бериш тизимининг муваффақиятини ва унинг глобал даражадаги рақобатбардошлигини белгиловчи омиллар классификациясининг таърифларини келтирамиз:

- Финландияда таълимнинг бепуллиги. Ота – оналар таълим учун пул тўлашмайди, мактаб эса ўқувчиларни дарсликлар, овқатланиш, улар учун транспортда ҳаракатланишни ташкил этади. Мамлакат аҳолиси учун олий таълим ҳам тижорат мақсадини (ётоқхона ва овқатланиш - истисно) кўзламайди. Фин тилида амалга оширилувчи таълим дастурларида, олий таълим чет эл фуқаролари учун ҳам бепул. Бундай сиёсат турли фуқаролар тоифалари учун олий таълим олиш имкониятини беради.

- Мактаб таълимининг тенглиги бир неча муҳим жиҳатларда намоён бўлади: мактаблар, фанлар, ўқитувчилар, ота-оналар, таълим жараёни иштирокчилари ҳуқуқларининг тенглиги. Барча таълим муассасалари материал-техник жиҳозланган, бир хил ускуналарга эга, мамлакатнинг қайси ҳудудида таълим олсангиз ҳам – у сифатли.

- Финландия учун хос бўлган таълимдаги ҳамкорлик болалар ва катталар (ўқитувчилар, ота-оналар) ҳуқуқларининг тенглигини назарда тутуди ҳамда ўқувчига ҳурматли муносабатда бўлишга ундайди. Ўқувчиларга 1-синфдан бошлаб, уларнинг ҳуқуқларини тушунтириб борилади. Фин ота-оналари учун бу, уларнинг болалари мустақил шахс эканлигини англаш ва тушунишга рағбатлантириш ҳисобланади. Ўқитувчи ўзаро муносабатга асосланиб, ҳар бир ўқувчининг шахсий хусусиятларини эътиборга олиб, ўқув жараёнини ташкил этади. Мактабларда ўзини англаш ва ривожлантириш жараёнларини фаоллаштиришни, педагогик қўллаб-қувватлашни, мулоқотни, устивор ғояларни амалга оширишни назарда тутувчи, шахсга мўлжал олган педагогик

ғоялар амалга оширилади. Финландияда ўқитувчининг исмини айтиб муражоат қилиш қабул қилинган, ўқитувчи эса ўзаро ҳурмат ва дўстона вазият, қулай педагогик муҳитни яратиш ҳақида ғамхўрлик қилиши керак.

- Ўқитувчининг муваффақияти ва касбий обрўси ҳар қандай мамлакатда таълимнинг устивор ривожланиши учун ниҳоятда зарур. Финландияда ўқитувчилик касби энг ҳурматга сазовор касблардан бири ҳисобланади, ўзининг обрўси бўйича шифокор ва ўт ўчирувчи касбларидан кейин туради, шу билан бирга ўқитувчиларга юқори малака талаблари қўйилади, улардан бири олий маълумот ва магистрлик даражасининг мавжуд бўлиши талаб этилади. Финландияда ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб барча ўқитувчилар учун магистрлик даражасининг университет дипломи мажбурий бўлди. Бир нечта университетларда касбий-педагогик кадрлар тайёрланади. Финландияда ўқитувчилар илмий-тадқиқотчилик, ижтимоий ва коммуникативлик компетенцияларига эга бўлишларини талаб этилади. Шу билан бирга, ўқитувчилар доимий ўз устида ишлаш ва узлуксиз таълим олиш жараёнига тайёрдирлар. Финландияда педагогик таълим олиш осон эмас. Финландия олий таълим муассасаларида педагогик мутахассисликларга танлов юқори бўлиб, битта жойга ўн киши талабгорлик қилади [2].

- Ўқитувчиларнинг молиявий таъминоти ҳам етарлича юқори. Ўқитувчи ўқув қўлланмаларини эркин ташлашга, уни ўз қизиқишларига мувофиқ ёки “аниқ бир ўқувчига” мослаб, ўқув курсини қайта ишлаш ҳуқуқига. Бундан ташқари, Финландия учун жаҳон таълим майдонига интенсив интеграция ҳам хос хусусият: касбий амалиёт ўташ ва ўзаро тажриба алмашиш.

- Финландия фуқаролари мактабнинг асосий вазифаси, ўқувчини келгуси мустақил муваффақиятли ҳаётга тайёрланишшни ўргатиш зарур деб ҳисоблайдилар. Мактабларда шу сабабли, мустақил билим олиш ва фикрлашга

ўргатадилар. Муҳими ёдланган формулани нафақат эслаш, балки справочниклардан, дарсликлардан, матнлардан, интернет тармоғидан фойдаланиш кўникмасини ҳосил қилишдир. Фин ўқувчилари таълим жараёнининг фаол иштирокчилари бўлиб, улар бундан катта завқ оладилар. Педагогик жараённинг мустақил таълим олишга йўналтирилганлиги муваффақиятга эришувчи, эркин фикрловчи, рақобатбардош шахсни тарбиялашга қаратилган.

- Финландия таълим бериш тизимида шахснинг ўзини намоён этиши учун барча шароитлар яратилган. Финландияда кенг маънода умумий таълимнинг мақсади, жамият аъзосини ахлоқий жавобгар ва шахс сифатида шакллантириш ҳисобланади. Асосий ролни кундалик ҳаёт муваффақияти учун зарур бўлган, амалий кўникма ва малака ўйнайди. Мактабларда дарсдан ташқари фаолият ривожланган, улар доирасида факультативлар, тўғараклар, қизиқиш бўйича жамоалар фаолият юритади. Факультатив фанлар тўплами етарлича кенг бўлиб, одатда турли мактаб фанларини чуқур ўргатилади. Ўқувчилар театр фаолиятида, нотиклик санъатида ва ҳ.к. ўзларининг қобилиятларини ривожлантиришлари мумкин. Университет таълимида турли даражаларда шахснинг мустақил ривожланиши учун катта имкониятлар яратилган. Шунингдек бу ерда, ўқув ва илмий ҳамкорликка истиқболни очиб берувчи академик мобиллик ривожлантирилган [4].

Яқуний хулоса ўрнида айтишимиз мумкинки, Финландия таълим бериш тизимининг устивор принциплари: таълимда ҳамкорлик, индивидуал ёндошув, таълим олувчини ҳар томонлама ривожлантириш, ўқитувчиларнинг юқори билим даражалари, тенг ҳуқуқлилиқ ва ўзаро ишонч ҳисобланади. Финландияда бутун таълим тизимига ва ўқитувчилик касбига ҳурматли муносабат кузатилади.

**Фойдаланилган адабиётлар**

1. Стандарты второго поколения, Просвещение. [Электронный ресурс]: URL: <http://prosv.ru/attachment.aspx?id=23395>
2. Сериков В.В. Развитие личности в образовательном процессе / В. В. Сериков. — Москва: Логос, 2012. — 447 с.
3. А.В.Дубаков ва б. Финландияда таълим: муваффақият мўжизаси./Мир науки. Педагогика и психология. 2021,№2, Том 9.//<https://mir-nauki.com>.
4. Е.Е.Син. Школьное образование в Финляндии как феномен XXI века/Е.Е.Син. – Текст:непосредственный//Известия Кыргызской академии образования. – 2016. -№1(37). –С.21-26.